

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
САМАРКАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

**ТАРЖИМА, АХБОРОТ, МУЛОҚОТ - СИЁСИЙ ВА  
ИЖТИМОИЙ КУПРИК**

**TRANSLATION, INFORMATION, COMMUNICATION -  
POLITICAL AND SOCIAL BRIDGE**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Самарканд, 2018 йил 4 май*

**PROCEEDINGS**  
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

*Samarkand, May 4, 2018*

Самарканд-2018

Samarkand- 2018

## **ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МЕХНАТГА ЎРГАТИШНИНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРИ**

**Бегматова Д. (СамДЧТИ катта ўқитувчиси)**

Фарзандларда меҳнатсеварликни, меҳнат лаёқатларини, меҳнат қилиш кўникмалари ва иштиёқини тарбиялаш ва уларни меҳнат жўшқинлигига ўргатиш уларни касб танлашга тайёрлашнинг илк қадамларидир. Оилада болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш боланинг энг кичик вақтидан, унинг тили чиқаётган, у оилада катталарга илк тақлид қилаётган, ўз онаси ва ёки отасининг хатти-ҳаракатларини такрорлаётган вақтдан бошланади. Мазкур жараён кўпчилик оилаларда стихия тарзда кечади. Кўпчилик ота-оналар боланинг ҳаракатларини педагогик мазмунни англамайдилар ва унга эътибор билан қарамайдилар. Бола катталар хатти-ҳаракатларини такрорлаш орқали атрофдагиларга ўз қизиқишлари, имкониятлари, хохиши бўйича импульсларни намоёйиш этади. Мана шу импульслар адекват, яъни мутаносиб анланганда, болага бўлган педагогик тарбия нуқтаи назаридан эътибор ҳам вужудга келади. Мазкур педагогик тарбия эътибори боланинг касбий лаёқатларини илғашга, уни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга имкон беради.

Бизнинг маданиятимизда меҳнат аҳли улуғланади. Меҳнат равнақ ва тирикчилик манбаи саналади. Меҳнат қилган одамга Яратган тўлиқ ризқ бериши тарғиб қилинади. Меҳнат қилган Аллоҳга яқин одам саналади. Шу боис, ўзбек халқида асрлар давомида ёшларни меҳнат воситасида мустақил ҳаётга тайёрлашга сайи-ҳаракат қилинган, инсон меҳнатининг самарали шакллари билан бири сифатида эса ҳунармандчилик тарғиб қилинган. Ҳар бир ёш йигит-қизга ҳунармандчилигининг бирор тури билан шуғулланиш даркорлиги алоҳида уқтирилган.

Оилада фарзанднинг меҳнат жараёнига тортилиши педагогик жараённинг икки томони узвий алоқадорлиги асосида таъмин этилган. Улар, биринчидан меҳнат орқали бола характери ва феъл-атворининг талаб этилган йўналишда шаклланиши ва унда тегишли хислатлардан уздабурулик, камтарлик, ўзгалар меҳнати кадрини билиш, ўз хиссиётларини бошқара олиш, эринмаслик, ташкилотчилик, мақсад сари интилиш кабиларни шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун имкониятга эга бўлади. Меҳнат орқали фарзанд кунт билан, бирор бир иш учун зарур бўлган хусусиятларни ўзида жамлаш, улардан фойдаланган ҳолда ўз имкониятларини ишга солиш имкониятига эга бўлган. Бола мана шу имкониятни ўз шахсига нисбатан силлий жараёнда амалга оширган, яъни оилада оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши ва болани меҳнатга, ҳунармандчилик асосларини эгаллашга рағбатлантириш жараёни ҳукм сурган.

Оилавий педагогика ва халқ педагогикасида ҳар бир бола оилавий меҳнат жараёнига у ёки бу даражада жалб этилади. Болаларга улар имкониятлари ва лаёқатлари, ёш дифференциацияси нуқтаи назаридан иш ҳажми бўлиб бериледи. Бунда, бир томондан барчанинг меҳнат ва иш қилиш жараёнига тортилиши бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир оила аъзоси зиммасида маълум вазифалар масъулити мажбур бўлади. Бир томондан, фарзандларда меҳнат қилиш малакалари такомиллашса, иккинчи томондан уларда масъулият, ўз сўзи ва ваъдаси устида туриш, оиладаги равнақ учун жавобгарлик каби хусусиятлар тарбия қилинади. Халқ педагогикасида ҳар бир боланинг меҳнатга меҳр қўйиши, меҳнатга чин кўнгил билан муносабатда бўлишга имкон яратилади. Бола ўз зиммасидаги топшириқларни сифатли бажаришга ўрганади. Меҳнат жараёни боланинг қатъиятли, сабрли бўлишга, эринмасликка, бошқаларга жавобгарлик хиссига ўргатилади. Халқ педагогикасида меҳнат интизомига риоя этиш муҳим педагогик талаб сифатида тарғиб қилинади.

Оилавий тарбия жараёнида ва халқ педагогикасида меҳнатга ўргатишнинг муҳим талабларидан бири бу – меҳнат интизомидир. Бола меҳнат интизоми масаласи билан энг кичиклик давридан бошлаб бевосита тўқнаш келади. Меҳнат интизомида қатъий талаблар ишлайди. Меҳнат интизомини бузганлик учун турли жазо чоралари қўлланилади. Бола энг кичиклик вақтидан меҳнатдан бйўин эгганлик учун маълум нарсалардан маҳрум бўлишини билиб улғаяди. Шунга кўра, боланинг меҳнат қилмасликдан, яъни бекор юришидан кўра, меҳнат қилиб, ўзи истаган нарсаларга эга бўлишни маъқулроқ кўради. Шунга кўра халқ “Бекорчидан худо безор” ибратди сўзини ишлаб чиқиб, ҳар бир оиланинг оилавий кодекси даражасига кўтарилишига ҳаракат қилган.

Халқ педагогикасида меҳнат жараёнида функционалликни эгаллаш нуқтаи назаридан босқичма-босқичлиликка катта эътибор қаратилган. Болага аввал маълум бир ишни қандай амалга ошириш услублари, йўллари ва воситалари, улар икир-чикирларини инобатга олган ҳолда тушунтирилган. Ундан аввалроқ бола мана шу вазифани оиладаги бошқа катталар қандай қилаётганлигига гувоҳ бўлган. Халқ тили билан айтганда боланинг “кўзи пиширилган”. Кейин эса оддийдан мураккабга қараб мазкур вазифа бўлинма-бўлим бола зиммасига ўтказилган. Ҳар бир бўлимда боланинг иш оли бориш тажрибаси енгил тарзда таҳлил қилинган ва рефлектор педагогика амалиёти кенг қўлланилган. Бунда болада мустақиллик, меҳнат қилиш ва меҳнатга ижодий ёндашиш кўникмасини ривожлантириш, уларда ҳунар ва уй юмушларини ўрганишга кизиқишни ўстириш, гуруҳ ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ташаббускорлик каби хусусиятларнинг такомилга алоҳида эътибор қаратилган. Мана шундай тарзда оилада изчил меҳнат жараёнининг ташкил қилиниши болада турли касбий хусусиятларнинг чуқур илдиз отиши ва бола кадриятлари тизимида ҳақиқатан ҳам амал қилиши асоси саналган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. –Т.: Ёзувчи, 2000. – Б. 10

2. Муслимов Н.А., Муллахметов Р.Г. Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма. -Тошкент: ОЎМТВ, 2007. –173 б.

Абсаматова Г. (СамДА <sup>^</sup> И уkitувчиси), Тухтаева Ш. (СамДЧТИ талабаси). Мулокотдаги компаратив идиомаларга хос ижтимоий-маданий компонентлар .....	429
Bakiyev F.J. (SamDChTI). Ingliz tilidan frazeologik birliklarni tarjima qilishga doir .....	430
Рузикулов Ф.Ш. (СамГИИЯ) К вопросу о проекте «словаря культуры Узбекистана» .....	431
Ganieva G. (Assistant teacher JSPI) Classification of toponyms in farewell to arms and ways of translating them .....	435
Xusanova S. (assistant teacher JSPI) The importance of teaching and learning the pronunciation in the classroom .....	436
Рахматова С. (СФ ТУИТ ст.преп.) Насруллоева Н. (СФ ТУИТ преп.) Проектная методика в обучении иностранным языкам .....	437
Турниязова Ш. (СамДЧТИ катта уkitувчиси) Матн лингвистикаси масалалари хусусида .....	438
Бахриддинова Д., Эргашева М. (ЖДПИ уkitувчилари) Таржима ва таржимашуносликка ижодий ёндашув.....	440
Шамуратова Э. (СамДЧТИ докторанти) Оилада исломий кадрятларни шакллантиришнинг долзарблиги .....	441
Shoukourova R.A. (ILESam) Particularites linguoculturelles des fables de la fontaine .....	442
Даминова Н. (СамДЧТИ катта уkitувчиси) Утаназаров У.(СамТК уkitувчиси) Огзаки ва ёзма нуткни шакллантиришда уkitиш техникасини ривожлантириш усуллари .....	444
Бегматова Д. (СамДЧТИ катта уkitувчиси) Оилавий тарбия жараёнида меҳнатга ургатишнинг муҳим талаблари .....	445
Ibragimova D. (Senior teacher, Sam SACED) Some difficulties and solutions in teaching vocabulary .....	446
Saidova M. (Hochschule fur Orientalistik) Allgemeines uber pragmatik und pragmatische kompetenz.....	447
Тажибаев Ф. (НамДУ таянч докторанти) Чет тилларни бошлангич синфда уkitишга коммуникатив ёндашув машклари .....	449
Rahmonova S. (GulDU talabasi) Tarjima va uning o'zbek olimasi nigohidagi talqini.....	450
Усманова С. (преподаватель АЛ приСамГИИЯ) Семантическое развитие иностранных слов (на материале русского языка).....	451
Худойбергенова Н. (ГулДУ уkitувчиси) Инглиз ва узбек тилларда - эркалаш концепти.....	453
Шодмонова С.Б. (^арМИ уkitувчиси) Бадиий таржимада буладиган муоммолар хакида .....	454